



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 24.01.2022 г. № 1271-1

между Бухоро шаҳар Электр тармоклари и Бухоро шаҳар ХТБ на общую сумму 2 819 970,00

Глава 075 БАМ
Казначейский лицевой счёт 100022860064017092100075058
(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь	1 266 975,00			1 266 975,00
Февраль	715 995,00			715 995,00
Март	837 000,00			837 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	2 819 970,00			2 819 970,00

Всего 2 819 970,00 сум

Из вышеуказанной суммы 2 819 970,00 сум или 100% *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январ мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____%, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского
подразделения

«__» _____ 20__ г.

(подпись)

Маттиев.М.Ш

Ф.И.О.

(подпись)

Курбонов К. О.

Ф.И.О.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

БАН

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 24 декабр

19714-сонли

Бухоро ш

Бухоро шаҳар Халқ таълими бўлими (кейинги уринларда “Корхона”
(энергия билан таъминловчи ташкилот номи)
деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари
Маттиев М.Ш бир тарафдан ва Бухоро шаҳар Халқ таълими бўлими
(кейинги уринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият
кўрсатувчи раҳбари Маттиев М.Ш иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида
туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги уринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул килинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал кувват (кейинчалик “Кувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 450 кВт.с. ни ташкил қилади.

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 2.819970 сўмни, Кувватнинг нархи _____ сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ККС()билан _____ сўм ташкил қилади

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 2.819970 / (ККСи шунинг сарқис 103
911 тўққиз миң тўққиз юз еттичи сўм) _____ сўм,

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____ сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова). Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос қилиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олинishi, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олинishi ва таъғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 450 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олинishi электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йули билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аникланади ва ҳақ тулашида ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми нарҳини 100 фоизи миқдорида олдиндан туловни амалга ошириши шарт. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилади ва тулиқ туловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тулов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тулов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси туғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган туловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали туловни амалга ошириши учун акцепт билан тулов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Қувват) истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тулов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби туғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади. Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари туғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тулаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли

Ҳазначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорида қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Қувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисmini субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида қатнашувчи юкламаси қийматига камайтирилган Қувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Қувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Қувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Қувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатида қўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг 4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқиши шарт. Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ҳужжатларини тақдим қилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради. Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Қувват тапқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларида узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайтилишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи ҳужалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қуйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Қуйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қуйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

- а) Энергия (Қувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Қувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;
- в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;
- г) Энергия (Қувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тулов туланмаганда;
- д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Қувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;
- е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини куришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қуйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёنли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) баноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ туланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тулиқ узиб қуйиш эса – фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта ўлаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи ҳужалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар туғрисида узиб қуйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тулов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
- е) Олдиндан ҳақ туланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Қувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;

в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва қувват истеъмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг энг катта юкламалари соатларида талаб этилган Қувватдан ошмаслик. Истеъмолчи Корхонанининг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Қувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари даврида реактив энергиянинг (қувватнинг) ҳар суткалик сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Қувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоизидан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада курсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада курсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида Корхона фойдасига жарима тулайди (6.5-бандда курсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан туловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган узгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга қирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган курсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ туланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлинимасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охириги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2016 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Корхона»

Бухоро шаҳар Электр тармоклари

Манзил: Бухоро ш Саноатчилар 1/1 уй

Банк коди (МФО)00086

СТИР (ИНН)201 188 400

Телефонлар(65)225-75-56,

(65)225-20-01

ш/х 22636000300487303330

«Истеъмолчи»

Бухоро шаҳар Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар И.Муминов 2 уй

Тел./факс (65) 221-99-92

Ғаз./х 23402000300100001010


Банк номи; Тошкент шаҳар Марказий
банк ББХКМ

МФО 00014 ИНН 201122919

ш/х 100022860064017096100075008

ИНН 201512639 МФО 00014

Бухоро шаҳар газначилик бўлими

Рахбар:  Маттиев М.И.

(Ф.И.Ш.)

Рахбар:



Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
1-илова

Етказиб берилаётган Энергия (Қувват)нинг миқдори

1. Тариф гуруҳи _____



2. Фаолият тури Бюджет
3. Истеъмолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: _____ кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича): _____
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси: III

1	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
			4	5	6	7
Йил, жами		62 66,6				
I чорак						
Январ		2815,5				
Феврал						
Март		1591,1				
II чорак		1360				
Апрел						
Май						
Июн						
III чорак						
Июл						
Август						
Сентябр						
IV чорак						
Октябр						
Ноябр						
Декабр						

2-устун Икки ставкали истеъмолчилар томонидан тулдирилади.

Истеъмолчи



Имзолар:

Корхона



М.Ў.

Электр таъминоти буйича
намунавий шартномага
2-илова

Энергияни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари ва характеристикалари.

Истеъмолчи, субистеъмол- чининг ҳисобга олиш приборларин и ўрнатиш жойлари. Тури ва кучланишни (кВ) курсатган холда	Ҳисобга олиш прибор- ларининг тури (актив, реактив) (номина л ток)	Ҳисобга олиш прибор- ларининг тартиб раками	Ҳисобга олиш прибор- ларидаг и клемма копкоғи -нинг тамга раками	Ўлчов трансформа- торларининг узгариш коэффици- ентлари		Ҳисо б- лаш коэф ф-ти	Шартно- мани тузиш вақтида ҳисобга олиш прибор- ларининг курсатки ч-лари	Тариф 1кВт.с/сум 1 кВАр.с/сум	Истеъмол- чининг фаолият турининг соха буйича коди
				Ток	Кучл аниш				
РУ-0,4кВ	СЕ-303	А-0925 48228			0,4	1		450	

Имзолар:

Истеъмолчи

М.Ў.

Корхона

М.Ў.

ДАЛОЛАТНОМА

хизмат курсатиш чегаралари ҳамда тармоқлар ва электр жиҳозларининг эксплуатация ҳолати
учун жавобгарликни белгилаш буйича

1. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари _____

б) кабел линиялари _____

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____

2. "Истеъмолчи" ва "Корхона" уртасидаги ажратиш чегараси электр қурилмаларининг баланс мансублиги буйича аниқланади: _____

3. Улардан:

а) Қуйидагиларга «Истеъмолчи» томонидан хизмат курсатилади _____

б) Қуйидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истеъмолчи билан шартнома буйича хизмат курсатилади _____

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат курсатиш учун жавобгарлик чегаралари қуйидагича белгиланади: _____



Имзолар:

Корхона



М.Ў.

ДАЛОЛАТНОМА
энергия исрофларини аниклаш бўйича

Энергияни ҳисобга олиш приборлари тармоқларнинг бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия исрофлари ҳисоб-китоб йўли билан тармоқларнинг баланс мансублигини ҳисобга олган ҳолда аникланади, бу:

а) _____кВА қувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги исрофлари _____кВт.соат ёки _____фоизни, реактив энергиянинг исрофлари _____кВАр.соат ёки _____фоизни ташкил қилади;

б) Истеъмолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм;

Русуми _____;

Кучланиши _____кВ, _____кВт.соат ёки _____фоизни ташкил қилади;

в) Истеъмолчининг хаво линияларида ҳар ойдаги исрофлар:

Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм;

Русуми _____;

Кучланиши _____кВ, _____кВт.соатни ёки _____фоизни ташкил қилади;

Ойлик йўқотилиш миқдори ҳисобот давридаги энергия истеъмоли миқдорининг _____
фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда _____соат бир ойда _____кун ишлайди.

Сменалар бўйича юкламалар нисбати фоиз ҳисобида I____, II____, III____

Имзолар:

Истеъмолчи



Корхона



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№ SR12165432

1. Loyihaning turi : Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Buxoro shahar xalq ta'lim bo'limi va Buxoro shahar elektr tarmoqlari korxonasi AJ o'rtasida tuzilgan № 1271-1-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buxoro shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 24.01.2022 yilda ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buxoro shahar yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



Sh.Murodov

2022 yil «24» yanvar